**Call-1244- СОН**
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Тошкент ш.** **2022 йил “ 06 ” “ 05 ”**

**“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” декабрдаги 27-01-14/6021-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг **“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази”** филиали директори Я.Р. Туляганов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **“Электрон ҳукумат лойихаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси** номидан Низом (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор А.Х. Мухиддинов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

1.2. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ хизматлар кўрсатилганидин сўнг тўловни амалга ошириш **(Postpaid)** тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. “Аутсорсинг” Call-маркази операторининг хизмати учун тўлов тақдим этилган хужжатлар асосида амалга оширилади.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 06.05.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача: **479 996 800,00** (Тўрт юз етмиш тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон олти минг саккиз юз) сўмни ташкил этиб, ушбу сумма 59 999 600,00 (Эллик тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз) сўм миқдордаги ойлик абонент тўловини ўз ичига олади. Шартнома суммаси ошиб кетган ҳолда, ортиқча суммаси ҳар ойда тақдим этилган ҳисоб варақага асосан тўланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув ва тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. “Аутсорсинг” Call-маркази хизмати учун тўлов Оператор томонидан ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ ҳисобот асосида далолатнома ва ҳисоб-фактураси тақдим этилгандан сўнг **10 (ўн) календар куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 46/2022
2022 y. « 05 » май

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) календар куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Коррупцияга қарши шартлар**

7.1. Мазкур шартлар Тарафлар, уларнинг аффилланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очиқ ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупциявий фаолиятга аралашиш хатарларини минималлаштиришга, шунингдек Тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

7.2. Тарафлар мазкур Шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмасликни таъминлаш мажбуриятини олади:

рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлантириш ва ҳ.) таъминлаш мақсадида бошқа Тараф ишчиларига, пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга хилоф ва ғайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

7.3. Бир Тараф коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда, бошқа Тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида Шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Тараф, Шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**8. Якуний қоидалар**

8.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

8.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагунга қадар Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонлардан ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

8.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI" DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 46/2022
2022 y. «5» май

8.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

8.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

8.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

8.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

8.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**9. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| **ОПЕРАТОР:** | **АБОНЕНТ:** |
|---|---|
| **АК "Ўзбектелеком"**<br>**"Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази" филиали** | **"Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасаси** |
| **Манзил: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 97 А.**<br>**E-mail:**<br>**Банк маълумотлари:**<br>**х/р: 2021 0000 5040 7483 8088;**<br>**СТИР: 203 366 731;**<br>**МФО: 00401; АТБ "Алокабанк"**<br>**Тел: (99) 836-7600;**<br>**ҚҚС: 326 030 013 817** | **Юр. Манзил: Тошкент ш., Мирobод т-ни, Нукус кўчаси, 24**<br>**Банк маълумотлари:**<br>**х/р: 2021 0000 9052 5070 7001**<br>**СТИР: 207 322 159**<br>**МФО: 00401 Банк номи: АТБ Алоқабанк**<br>**Тел: (55) 501-3631**<br>**ҚҚС:** |
| **Оператор номидан:**<br>________________ **Я.Р.Туляганов**<br>/имзо/<br>М.Ў. | **Абонент номидан:**<br>________________ **/ А.Х.Мухитдинов**<br>/имзо/<br>М.Ў. |

Бaж.: Н. Хамзаева
Тел.: (99) 836-72-70
n.khamzaeva@uztelecom.uz

"ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI" DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 46/2022 ю/х
20 22 у. « 05 » май

2022 йил “ _____ ” “ ___________ ”
Call-1244 – сонли абонент шартномасига
1–илова

**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

**Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)**

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Миқдори | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I.Ойлик абонент тўлови** | | | | |
| 1.1 | 1242 қисқа рақами учун “Аутсорсинг” Call-марказ оператори томонидан қўнғироқларни қайта ишлаш нархи Ойлик абонент тўлови – 10 000 дақиқалик лимит | 15 000 000,00 | 125-1/7-сонли нархнома | 1 | 15 000 000,00 |
| 1.2 | Белгиланган лимитдан ошиб кетган ҳар бир тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган дақиқа учун тўлов | 1 550,00 | 125-1/7-сонли нархнома | 29032 дақиқа | 44 999 600,00 |
| | **Жами** | | | | **59 999 600,00** |

Шартноманинг умумий суммаси (15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 06.05.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача: **479 996 800,00** (Тўрт юз етмиш тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон олти минг саккиз юз) сўмни ташкил этиб, ушбу сумма 59 999 600,00 (Эллик тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз) сўм миқдордаги ойлик абонент тўловини ўз ичига олади. Шартнома суммаси ошиб кетган ҳолда, ортикча суммаси ҳар ойда тақдим этилган ҳисоб варақага асосан тўланади.

**ОПЕРАТОР:**

**АК “Ўзбектелеком”**
**“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали**

**Оператор номидан:**

________________ **Я.Р.Туляганов**
/имзо/

М.Ў.

**АБОНЕНТ:**

**“Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси**

**Абонент номидан:**

________________ / **А.Х.Мухиддинов**
/имзо/

М.Ў.

“ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI” DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 46/2022
2022 y. « 05 » май

2022 йил “ _____ ” “ ____________ ”
Call-1244 –сонли абонент шартномасига
2–илова

**Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси**

**Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил “ _____ ” “ ____________ ”**
**Call-1244 сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди**

| т/р | Хизматлар рўйхати | Сана | Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси |
|---|---|---|---|
| 1. | Аутсорсинг | « ____ » ________ 2022 й. | Бажарилди |

**ОПЕРАТОР:**

**АК “Ўзбектелеком”**
**“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали**

**АБОНЕНТ:**

**“Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси**

**Оператор номидан:**

____________________ **Я.Р.Туляганов**
/имзо/
М.Ў.

**Абонент номидан:**

____________________ **/ А.Х.Мухиддинов**
/имзо/
М.Ў.

“ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI” DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 46/2022
2022 y. « 05 » май

2022 йил “ _____ ” “ ____________ ”
Call-1244 – сонли абонент шартномасига
3–илова

“1242” киска ракамига 2022 йил “ __________ ” ойи учун такдим этилган аутсорсинг хизматлари тўғрисида хисобот

| Сана | Келиб тушган қўнғироқлар сони | IVR дан кайтган қўнғироқлар сони | Навбатдан кетган қўнғироқлар сони | Хизмат кўрсатилган қўнғироқлар сони | Оператор томонидан хизмат кўрсатилган қўнғироқлар фоизи | Қўнғироқлар давомийлиги (соат,дакика, сония) | Ўртача сухбат вакти (соат, дакика, сония) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

“ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI” DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 46/2022
2022 y. « 05 » май